



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING FARMOYISHI

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2021 - yil 15 - oktabr

133-6-0-F/21

Namangan viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 майдаги 293-сон қарори ижросига мувофиқ, Янги Наманган тумани ҳокимининг 2021 йилдаги 16 сентябрдаги 01/20-625-сонли мурожаат хатини инобатга олиб,

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 майдаги 293-сонли қарорига мувофиқ Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган тумани ҳокимлиги ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Наманган шаҳар таркибида ташкил этилган Янги Наманган тумани ҳокимлигида Давлат дастурлари, Хукумат қарорлари ва кўрсатмалари ижросини ўз вақтида сифатли таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида автомашиналар сотиб олиш, расмийлаштириш ва газ балон ўрнатиш билан боғлиқ харажатларнинг етишмаган қисми учун вилоят бюджетига Республика бюджетидан ўтказиб берилган ссуда ҳисобидан Наманган шаҳар маҳаллий бюджетига 38,0 (ўттиз саккиз) миллион сўм маблағ ўтказиб берилсин.

3. Наманган шаҳар ҳокими (Ғ.Джамалов)га:

маблағлар йўналтириш юзасидан Наманган шаҳар ҳокимининг тегишли фармойишини қабул қилиш;

молиялаштириш манбасини очиш учун белгиланган тартибда тегишли хужжатларни молия ва ғазначилик органларига тақдим этилишини ташкил этиш;

ажратилган маблағлардан тўғри, мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлашни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

4. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (З.Ходжаев) мазкур фармойиш билан ажратилган маблағлар тўғрисида ҳисоботларни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йиғилишида муҳокама этилишини ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилишини назоратга олсин.

5. Вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов)га ажратилган маблағларни Наманган шаҳар маҳаллий бюджетига ўрнатилган тартибда ўтказиб бериш, вилоят бўйича ғазначилик бошқармаси (А.Тўраев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси (Ф.Солохитдинов)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиб бориш вазифалари топширилсин.

6. Ушбу фармойишнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov